



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељагаи
бууқ
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 13 август, № 159 (4822)

Пайшанба

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ ФАРЗАНД



Юртимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол вояга етиши йўлида хайрли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, комил инсонни тарбиялаш борасидаги эзгу сазй-ҳаракатлар эътиборга моликдир.

Айниқса, Президентимизнинг жорий йил 13 апрелда қабул қилинган "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори аҳолининг кенг қатламли орасида соғлом турмуш тарғиботини кучайтириш, репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш, оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи бirlамчи бўғинлар фаолиятини янада такомиллаштириш йўлидаги устувор вазифалар ижросини таъминлашга чуқур эътибор қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

(Давоми 4-бетда).



Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!
Ўзбекистон Республикасининг Миллий байрами муносабати билан Сизга самимий қутловларимни йўллаш, мамлакатингиз ва ўзбек халқига бахт ва тараққиёт тилаш мен учун ифтихор бағишлайди.

Мен барча соҳалар, хусусан, иқтисодий йўналишдаги амалдорлар борасида ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга тайёр эканлигимизни яна бир бор изҳор этишни истардим. Шу муносабат билан, мен Франция корхоналарининг бутун Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлида биргаликда ҳисса қўшишда ўз тажрибалари билан ўртоқлашишга тайёрлигини қайд этишни лозим топдим.

Тошкент шаҳри ташкил топган қўнунинг 2200 йиллигини нишонламоқда. Мамлакатингиз пойтахти асрлар давомида Марказий Осиёда тушган йирик тамаддуллар хилма-хиллиги ва бойлигини ўзида сингдирган ҳолда ривожланиб келди. Тошкент — Ўзбекистон маданиятининг музей шаҳри, бой тарих, шунингдек, бууқ кељагака эга шаҳардир. Бошдан ўтказишга тўри келган синовларга қарамай, шаҳар Ўзбекистон тараққиёти маркази бўлиб қолди. Мустақилликка эришилганидан сўнг, Ўзбекистон халқи шижоати боис янги чўққиларни забт этди.

Мазкур бўйбей муносабати билан Франция ЮНЕСКО бош қароргоҳида Тошкент шаҳрига асос солиниши тўғрисидаги кўргазмани қабул қилганини таъкидлаш менга мамнуният бахш этди. Ўзбекистон санъати ва хунармандчилиги намуналарини акс эттирган мазкур нобб кўргазма Франция ва Ўзбекистон дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Жаноб Президент, менинг юксак эътиромимни қабул этгайсиз.

Николя САРКОЗИ,
Франция Республикаси Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами нишонланиши муносабати билан Сизга, шунингдек, бутун ўзбек халқига ўз самимий табриқларимни йўллаш шарафига муяссар бўлганимдан мамнунман.

Мамлакат тарихида 18 йил узоқ бўлмаган бир вақт бўлагани ифода этгандек туюлади. Бироқ мазкур қисқа давр Ўзбекистон учун сезиларли даражада ривожланиш ва модернизациялашув имкониятини яратди. Дарҳақиқат, мамлакат улкан тараққиётга эришти, жумладан, демократик, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда ҳаётга татбиқ этиш борасида катта ютуқларни қўлга киритди. Бугунги кунда халқаро муносабатлар тизимида ўз муносиб ўрнини эгаллаган Ўзбекистон дунё ташкилотлари, хусусан, Халқаро кўргазмалар бюроси доирасида ўз ҳамкорлигини мустаҳкамламоқда. Биз бундан бағоят мамнунимиз ва ҳамкорлигимизни қўллаб-қувватлаймиз.

Узоқ ҳамда бой тарихи мобайнида талай синов ва қийинчиликларни бошдан ўтказган Марказий Осиёдаги энг йирик шаҳар — Ўзбекистон пойтахти — Тошкент оламшумул воқеаларга гувоҳ бўлиб, ўзининг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маънавий маъқеини ҳамisha сақлаб келган.

Тошкент бошқа жиҳатлари билан бир қаторда «Тинчлик шаҳри» ва «Дўстлик шаҳри» каби сифатлари билан ҳам ном таратган ва дунё ҳамжамияти эътирофини қозongan.

Бугунги кунда Тошкент — ривожланган транспорт, ижтимоий ва сазйбўлик инфратузилмасига эга замонавий мегаполисдир. Маданий ва ижтимоий йўналишдаги талай лойиҳалар халқаро кўламада амалга ошириб келинмоқда.

Қутлуг айёмлар муносабати билан ушбу қулай фурсатдан фойдаланиб Сизга, жаноб Президент, сизат-саломатлик, бахт ва барча лойиҳаларингиз амалга ошиши борасидаги энг самимий тилақларимни изҳор этишимга ижозат бергайсиз. Биз, шунингдек, ўзбек халқига тинчлик ва равақ тилаб қоламиз.

Жаноб Президент, Сизга бўлган юксак эътиромимни қабул қилгайсиз.

В. Г. ЛОСЕРТАЛЕС,
Халқаро кўргазмалар бюроси
Бош котиб.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам жаноб Президент!
Франция Сенати «Франция — Марказий Осиё» дўстлик гуруҳи раиси сифатида, «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раиси Брижит Бут хоним, шунингдек, барча ҳамкасбларим, ушбу парламент гуруҳи аъзолари номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик байрами муносабати билан самимий табриқ ва тилақларимни билдираман.

Мен раҳбарлик қилиш шарафига муяссар бўлган дўстлик гуруҳи навқирон мамлакатингиз сўнгги йиллар давомида сиёсий, иқтисодий, шунингдек, ижтимоий ва маданий соҳаларда эришган улкан муваффақиятларни кузатиб ва юқори баҳолаб келди.

Жаноб Президент, Тошкентга бир неча бор буорган таширларимни илиқ хотиралар билан ёдга олар эканман, бой тарихга эга ва бугунги кунда Марказий Осиёда энг муҳим шаҳар ҳисобланган Ўзбекистон пойтахтининг 2200 йиллик тантаналарида мен фикран биргаман.

Жаноб Президент, яна бир бор самимий қутловларимни изҳор этар эканман, Сизга бўлган чуқур эътиромимни қабул қилишингизни сўраб қоламан.

Андре ДЮЛЕ,
«Франция — Марказий Осиё»
Парламентларо дўстлик гуруҳи раиси.

Август — пахта ҳосилига ҳосил қўшадиған ой

Айни кунларда Навоий вилояти деҳқонлари 35,8 минг гектар ерда гўза парварлишини жадал олиб бормоқдалар. Улар ҳосил тақдирини ҳал бўладиган август ойида асосий эътиборни ҳар бир агротехника тадбирини ўз муддатида ва сифатли бажаришга қаратишган. Кўп йиллик тажрибадан маълумки, баракали хирмон фидойи меҳнат туфайли уюлади.

ЭКИН МЕҲРДАН ЯШНАЙДИ

Айтиш жоизки, Қизилқум чўлига туташиб кетган ушбу худудда деҳқончилик қилиш кишидан алоҳида эътибор ва омилкорлик талаб этади. Айниқса, жорий йилда чигитни беҳато ундириб олиш осон кечмади. Негаки, баҳорнинг серёғин келиши деҳқон ва фермерларни шошириб қўйди. Ана шундай пайтда пахтачида тулганан бой тажриба ва тармоқда илгор технологияларнинг татбиқ этилгани қўл келди. Яъни, вилоят тупроқ-иклим шароитига мос бўлган "Бухоро-6", "Ан-Боёвут-2", "Бухоро-102" сингари гўза навлари танланиб, чигит пуштага қадлади.

Кўзда чуқур ҳайдалган ер майдонларида пушта олинича, замин тезда тобга келади. Бу усул, айниқса, нисбатан ёгингарчилик кўп бўлган амалдаги йилда гўзани кечиктирмасдан қўқартириб олиш имконини беради.

Тажрибали деҳқонларимизнинг ҳар туп ниҳолни кўз қорачиғидай авайлаб, парварлилаши, уларнинг меҳнат қилишлари учун яратиб берилган шарт-шароит ўзининг юксак самарасини бермоқда. Айни пайтда гўзалар ривожини қўлтиришга эришди.

Ҳар бир туп кўчатда ўртача 14-15 тадан бўлиқ кўсақ бор. Август ойи охиригача уларнинг ёнига яна шунча тўқ кўсақ қўшилади. Чўнки гўзаларда ҳосил шоҳлари сероб, уларда эса 25-30 тагача ҳосил тугунчалари мавжуд.

Август оий бошлангандан буюн фермеру деҳқонлар, сувчи, механизатор ва энтомологлар янада серҳаракат, уларнинг далалардаги бедор кунлари бошланган. Чўнки пахта ҳосилига ҳосил қўшадиған ушбу ойнинг ҳар дами ғанимат. Бу пайтда гўзани чаққатиб қўймаган, култиваторни қатор ораларидан чиқармаган, ҳосилни зараркунанда ҳаша-

ротлардан асрай олган деҳқонгана ютади. Буни яхши англаган меҳнатқашлар далаларга танда қўйилган, десак, асло муболага бўлмайди.

Чекангани сифатли яқунланган деҳқонлар эндиликда асосий эътиборни экинни сувга қондириш ва култивация қилишга қаратишган. Айтиш жоизки, қатор ораларига шунчаки сув оқизилаётгани йўқ. Бунда "шарбат" усули қўлланилмоқда. Бунинг учун керакли микродорда маҳаллий ўғит жамғарилиб, дала бошига олиб келингани айни муддао бўлмоқда.


Тажрибадан маълумки, "шарбат" сувиға қонган гўза мўл ҳосил тушлаш баробарида, обихаётни тежаш имконини беради. Нега деганда, у сувни буғулангандан сақлайди, намликни узокроқ асрайди. Энг муҳими, экиннинг озиқ моддаларга бўлган талабини қондириб, унинг ривожини тезлатади, ҳосилнинг эрта пишишини таъминлайди.

Август ойида ҳароратнинг нисбатан пасайиши гўза зараркунандалари ривожланишига яхши муҳитни юзага келтиради. Бунинг олдини олиш мақсадида далаларга биологик усулда ишлов берилмоқда. "Бракон", "Олтинқўз", "Трихограмма" сингари биомасулотлар вилоятдаги 12 та биологатория томонидан керакли микродорда етказиб берилаяпти.

Бунлардан қўланган мақсад битта: кишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи — пахтачиликда мўл ва сифатли ҳосил етиштириб, мамлакатимиз хирмониға муносиб улуш қўшишдир.

Хўсиндин ҲАҚНАЗАРОВ,
Навоий вилояти кишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг агротехнологиялар масалалари бўйича ўринбосари.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА



12 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақриф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Умарова "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. Мазкур қонун лойиҳаси қалбакилаштирилган дори воситаси", "сифатсиз дори воситаси", "дори воситаларининг файриқонуний нусхалари" каби тўшунчаларни белгилаб берувчи аниқ мезонларнинг йўқлиги, шунингдек, уларни реализация қилиш, ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон худудига импорт қилишнинг тақиқланганлигидир. Тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситаларининг барчага яхши маълум ва кўп фойдаланиладиган препаратларнинг деярли ҳаммаси қалбакилаштирилмоқда.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг

моддама-модда муҳокамаси вақтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар таъкидладиларки, дори воситалари ва тиббий буюмлар билан муомала қилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар содир этилишига асосий сабаб: "қалбакилаштирилган дори воситаси", "сифатсиз дори воситаси", "дори воситаларининг файриқонуний нусхалари" каби тўшунчаларни белгилаб берувчи аниқ мезонларнинг йўқлиги, шунингдек, уларни реализация қилиш, ишлаб чиқариш ва Ўзбекистон худудига импорт қилишнинг тақиқланганлигидир. Тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ички бозорни қалбакилаштирилган ва сифатсиз дори воситаларининг барчага яхши маълум ва кўп фойдаланиладиган препаратларнинг деярли ҳаммаси қалбакилаштирилмоқда.

Савол-жавоблардан кейин қонун лойиҳасининг

Айрим ҳуқуқий нормаларни такомиллаштириш юзасидан тушган тақлифларнинг барчасини аштиб ва муҳокама қилиб, Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам Меҳнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Умарова томонидан киритилди. Қонун лойиҳасида сифатсиз ёки қалбакилаштирилган дори воситаларини ўқказиш мақсадида ишлаб чиқарганлик, тайёрланганлик, олганлик, сақлаганлик учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокама-си вақтида депутатлар таъкидладиларки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессу-

ал кодексларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритиш тақлиф этилаётган тузатишлар дори воситалари билан файриқонуний муомала қилишга пухта тўсиқ қўйиш, бундай қилмишлар учун жиноий таъқиб амалиётини бир хиллаштириш имкониятини беради. Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида баён этилган фикрларни ҳисобга олиб, Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилади.

"Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ва "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг аъзоси А. Юнусова тақдим этди. Қонун лойиҳаси Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги конвенциясини (1973 йил 26 июнь, Женева) Ўзбекистон

(Давоми 2-бетда).

ТЕЖАМКОРЛИК ТИЗИМИ — АМАЛДА

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги давомида республикамизда истеъмолчиларга электр энергияси сарфини аниқ ҳисобга олишни таъминлайдиган

273,2 минг донга электрон ҳисоблагич ўрнатилди.

Электрэнергетика соҳасини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайитириш ва энергияни тежаш тизимини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар қўрилгани туфайли шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шаҳри

(Давоми. Боши 1-бетда)

ратификация қилганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур Конвенцияга мувофиқ, ишга қабул қилиш мажбурий мактаб таълимини тутатган ёшдан, яъни 15 ёшдан кичик бўлмаслиги керак. Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш зарурати "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг умумий ўрта таълимининг

айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Мазкур ҳужжат мамлакат иқтисодиётининг аграр секторини янада ислох қилиш мақсадида қабул қилинган "Қишлоқ тарраққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурини амалда рўйбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган. Савол-жавоблардан кейин бўлиб ўтган қонун лойиҳасининг батафсил муҳокамаида барча сиёсий партия-

фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосланган суд экспертиза имкониятларидан фойдаланмасдан туриб, жиноятларни тезкор очиб ва ҳолисона текширишни, шунингдек, ишларни судда қўриб чиқишда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳуқуқ тизимидagi ушбу муҳим элементнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганидан далolat беради. Қонунчилик палатаси батафсил

қаруви органларининг ҳайъат тарқибини аниқлаш ишларини тақомиллаштириш ва бу борада теъкорликни ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Қонунчилик палатаси муҳокама вақтида депутатлар баён этган фикрларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди. Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитасининг аъзоси Н. Рўзमतова "Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тўғри-

2009 йил 25 февраль) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди. Шартномада ҳукм чиқарилган давлат ҳудудида жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилинганлари улар қайси мамлакатнинг фуқароси бўлсалар, жазони ўташни давом эттириш учун уларни ўша мамлакатга топшириш асослари ва шартлари назарда тутилган. Шартномада сўроғга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати кўрсатилган, ҳукм қилинган шахсларни топшириш шартлари ва тартиб-таомиллари, топширишни рад этиш асослари, ҳукм қилинганларни таълим тартиби, бошқа нормалар белгиланган.

УЗУМИНИ ЕНГ, БОҒИНИ ҲАМ СЎРАНГ
Олтинсой туманида 5 минг гектар тоқзор бор. Шунинг асосий қисми ҳосилга кирган. Туман соҳибкорлари жорий йилда мазкур тоқзорлардан 30 минг тоннадан ортиқ узум йиғиштириб олишни мўлжаллаб туришибди. Бу ерда ана шу ҳосилни тўлиқ қайта ишлаш имконияти мавжудлиги эса даққатта сазовордир.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

мажбурийлиги ва болаларни улар таълим олишига тўқсон қилиш мумкин бўлган ишларни бажаришдан ҳимоя қилишга тааллуқли қисми талабларидан ҳам келиб чиққан. Ушбу қонун лойиҳасининг модда-модда муҳокамаи вақтида депутатлар таъкидлашларки, болалар ҳар томонлама уйғун ривожланиши учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мамлакатимиз олдида турган устувор вазифалардан бири бўлиб, уни ҳал этиш, қўл жихатдан, соғлом, чўқур билимли авлодни шакллантиришга боғлиқ. Ўзбекистон қонун ҳужжатларининг болалар меҳнат ҳуқуқи ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга тааллуқли қисмига қиритилган ўзгаришлар назарга олиниши мазкур ҳужжатлар халқро мезонларга мувофиқлаштирилди, бу эса ёш мустақил давлатимиз инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг умумбашари қадриятларига содиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

лар фракцияларининг вакиллари иштирок этдилар. Депутатлар қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида ўтказилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий базасини тақомиллаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашди. Шу муносабат билан қайд этилдики, мамлакатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатларига киритиш тақлиф этилаётган тузатишлар фермер ҳўжалиқларига берилаётган ер участкаларининг ўлчамларини мақбуллаштиришга, сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини оширишга, сувни тежайдиган технологиялар жорий этишга қаратилган.

Муҳокамадан кейин қонун лойиҳасининг асосий қондаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди. "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини ҳам Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов тақдим этди. Қонун лойиҳасида "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал, Фуқаролик процессуал, Ҳўжалик процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар киритиш назарда тутилган.

Муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Т. Абдуллаева "Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳмадаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу қонун лойиҳаси раҳбар кадрларни танлаш ва жой-хойга қўйиш, давлат бош-

сидаги низоми ва Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги тасдиқлаш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги мамлакатимизнинг давлат муқофоти бўлиб, у билан фуқаролар меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали давлат, ижтимоий ва ижодий фаолияти учун тақдирланадилар. Айрим ҳолларда корхоналар, маъсасалар, ташиқлотлар, жамоат биғлашмалари, ижодий жамоалар ва ҳарбий бўлиналлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий биғликлари ҳам Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан муқофотлаши мумкин. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан муқофотлаш ва тақдирланганларга бир марта бериладиган пул муқофоти ёки шунга тенг эсдалик совғаси бериш тартиби белгиланган.

"Меҳнат" агрофирмасига қарашли "Бобур Мирзо" шўъба корхонаси бундан ўн йил аввал ташқил этилган бўлиб, йилга 3 минг тонна узум қайта ишланар эди. Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони унинг фаолиятида бутунлай янги даврни бошлаб берди. Гап шундаки, ушбу ҳужжатга асосан, кенг қўламли техник ва технологик қайта жиғозлаш ишлари амалга оширилди. Пировардида қайта ишлаш ҳажми 3 бараварга ошди.

майди, — дейди "Отабой" фермер ҳўжалигининг раҳбари Отабой Акрамов. — Ту- банимизда узумчиликка иқтисослашган 500 дан ортиқ фермер ҳўжалиқлари бўлса, жорий йил уларнинг барчасида ҳосил мўл бўлди. Бу қайта ишлаш корхоналарининг эътибга тўлиқ қондирилишидан далolat беради, албатта. Биз бозорларга ҳам

Конунчилик палатаси муҳокама вақтида баён этилган фирм-мулоҳазаларни ҳисобга олиб, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Конунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов "Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Мазкур ҳужжат мамлакатимизда суд экспертизаси фаолиятининг асосларини белгиловчи ягона норматив ҳужжат яратиш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган. Ҳозирги давр шароитларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда судларнинг фаолиятида

Батафсил муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси ушбу Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Сенатга юборилди.

Халқро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитасининг аъзоси С. Абдуллаев маърузаси бўйича депутатлар "Ўзбекистон Республикаси билан Туркменистон ўртасида озолиқдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни жазони ўташни давом эттириш учун топшириш тўғрисидаги Шартномани (Тошкент,

Ҳўжалик муҳокамаи вақтида депутатлар томонидан билдирилган фирм-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда, Қонунчилик палатаси Қонунни маъқуллаб, тегишли қарор қабул қилди. "Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 52-моддасига ўзгариш ва қўшимча киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Комиллов тақдим этди. Мазкур ҳужжат фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида адвокатлар ўрнига турли тузилмалар фаолият кўрсатишга, фуқароларнинг ишончи суиистеъмол қилиниши ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига жиддий эътибор берилганлиги барҳам берадиган нормани белгилаш зарурати муносабати билан ишлаб чиқилган.

— Модернизациялаш дастурига кўра, банкдан 100 миллион сўм кредит олдик, — дейди корхона бош ҳисобчиси Абдиғаффор Абраев. — Бу маблагга Украинадан замонавий технология олиб келиб ўрнатдик. Натijaда корхона йилга 30 минг деколитр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди, қўшимча 25 та иш ўрни очилди. Қувонарлиси, хориқлик ҳамкорлардан ҳозирданок буюртмалар ола бошладик.

ниги тўқин қилиш ниятида меҳнат қилаймиз. Туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлиғи Музаффар Қаршиевнинг айтишича, шунингдек, жорий йилда Олтинсойда 410 гектар ерда эрткаки сабзавот етиштирилди. 405 гектар ерга такрорий экин — сабзавот уруғи сегилади. Уни қайта ишлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмапти. Масалан, "East-West-Surxon" қўшма корхонасида шу йилнинг ўтган даври мо- байнида 12 тонна сабзавот қуритилиб, маҳсулот тўлиқ экспорт қилинди.

Аграр, сув ҳўжалиги ва экология масалалари қўмитасининг аъзоси О. Шарипов "Қишлоқ ва сув ҳўжалиги иқтисодий ислохотларининг чуқурлаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг

Корхона жамоасининг соҳибкорлар билан ҳамкорлиги ва қўшимча иш ўрни очилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Т. Абдуллаева "Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳмадаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Ушбу қонун лойиҳаси раҳбар кадрларни танлаш ва жой-хойга қўйиш, давлат бош-

рилан энг замонавий технологик линиялар билан тўлиқ жиғозланган. Замонавий корхонанинг лойиҳа қуввати 1800 тонна калава ип ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Жамоа бундай имкониятдан унумли фойдаланиб, жаҳон бо-

зорида харидоригр маҳсулотлар тайёрлапти. Қувонарлиси, унинг асосий қисми экспорт қилинмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида 1 миллион 414 минг АҚШ долларлик калава ип чет мамлакатларга сотилди. Бу йил корхонага яна 1 миллион АҚШ доллари миқдорда хориқ инвестиция жалб этиш мўлжалланган. Айни кунларда унинг 600 минг АҚШ доллари ўзлаштирилди. Бунинг эвазига янги ишлаб чиқариш линияси ишга туширилапти. У фойдаланишга топширилган, 30 та янги иш ўрни очилди.

— Етиштирилган маҳсулот ерда қолмаслигини билган соҳибкор ишлаб чарча-

— Биз ота-боболаримиздан мёрос бўлиб қолган ноёб усуллар билан майиз тайёрлаيمиз, — дейди Одил Маматқуллов. — Ушлак, окшўра сингари ёввойи ўтларни қўйдириб, ишқорини ажратиб оламиз. Уни қайноқ сувга аралаштириб, сўнгра узумга ишлов берамиз. Шундай қилинса, узумнинг шарбати тўла сақлаб қолинади. Хатто, ранги ўзгармайди.

Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш жараёнида адвокатларнинг ўрни: вазифалар, масъулият ва истиқбол" мавзусига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

АДВОКАТУРАНИНГ ЯНГИ МАҚОМИ

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси вакиллари, Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ХОРИЖ ИНВЕСТИЦИЯСИНИНГ САМАРАСИ



Мустақиллик йилларида иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларида бири — тўқимачилик ва энгил сановатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натijaда заминимизда етиштирилаётган пахта ҳам ашёсини ўзимизда қайта ишлаш ҳажми йил сайин ошиб бораётир.

Мамлакатимизда, айниқса, хориқ инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилгани ти-

зимда янги қувватларни ишга тушириш ва мавжудларини модернизация қилишга қўл келаяпти.

Богот туманидаги "KottonTex" қўшма корхонаси ҳам чет эл инвестицияси иштирокида ташқил этилган.

2007 йилда иш бошлаган ушбу корхона Швейцария, Германия, Туркия сингари давлатларда ишлаб чиқа-

Изланиш

Суратда: қўшма корхона фаолиятдан лавҳа. Бахтиёр Акрамов олган сурат.

Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссиясининг 2009 йилги фаолиятида Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнин йўллари ва чоралари" асарига белгиланган вазифалар муҳим ўрин тутди. Ушбу асар, айтиш жоизки, мамлакатимиз халқ ҳўжалигининг барча тармоқларида, айниқса, ишлаб чиқаришда муваффақиятга эришишда дастурламалар вазифасини ўтамоқда.

Анжуманда давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 1 майда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатурани институтини янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди.

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ жамият тараққиётида алоҳида аҳамиятга молиқдир

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган муҳим йўналишлар асосида тадбиркорларни, хусусан, кичик бизнесни, энг аввало, кредитлар ажратилиши йўли билан қўллаб-қувватлашга интилаяпмиз. Жумладан, жорий йилнинг ўтган ярмида вилоятдаги тижорат банклари томонидан 2043 та тадбиркорлик субъектига 32 миллиард 430 миллион сўм кредит ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагидан салкам 1,9 миллиард сўмга кўтди. Мазкур кредитлар эвазига вилоятда 8196 та янги иш ўрни яратилди.

Ажратилган кредит маблағларининг 5,6 миллиард сўми сановат соҳасига, 8,2 миллиард сўми савдо-сотик ва айланма маблағларни тўлдиришга, 2,6 миллиард сўми қурилиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига берилган бўлса, 12,3 миллиард сўмлик кредит қишлоқ

ҳўжалигини ривожлантиришга йўналтирилди. Вилоятда қишлоқ ҳўжалиги соҳасига кўрсатилаётган эътибор туфайли бу йил ҳар бир туманда 2 тадан паррандачилик мажмуаси, 5 тадан сиёқхона барпо этилди. Балиқчилик билан шуғулланган 9 та, асал етиштирадиган 11 та кичик бизнес субъекти маҳсулот бера бошлади. Ҳозирда балиқчилик ва асаларчилик билан қўшимча 118 нафар ходим шуғулланапти.

Жараён

Доимий комиссия фермер ҳўжалиқларида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари турини кўпайтириш, ҳўжаликда даромадли янги тармоқларни ташқил этиш имкониятлари хусусида Арнасой ҳамда Зафаробод туманлари мисолида мониторинг уюштирди. Натijaда фермер ҳўжалиқларини ривожлантириш учун 658 нафар ходим ишга қабул қилинди. Ушбу ҳўжалиқларнинг ҳар бирида азал-

дан сердаромад соҳа ҳисобланган паррандачиликни йўлга қўйиш, камида 100 тадан товуқ боқишини ташқил қилиш эвазига 253 та янги иш ўрни яратилди.

2009 йилнинг бошида эса касана-чилар сон 1869 нафарга кўсайтиришда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз навбатида, тармоқ тараққиёти қишлоқ ишларининг бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Ҳозир вилоятнинг энг олис

қишлоқларида ҳам замонавий кўри-нишдаги гўзаллик салонлари турли устaxonаларни янги мумкин. Машиный хизмат объектлари, савдо дўконлари ўзаро рақобат асосида фаолият юратаяпти. Рақобат бор жойда хизмат сифати яхшиланиб, нарх-наво арзонлашиши азалдан маълум. Шу боис дастуриимизда аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жорий йилнинг ўтган даврида соҳа ходимларининг сони 5432 нафарга етди. Шу ўринда қайд этиш жоиз, доимий комиссия тадбиркор ва ишбилармонларни маънавий

қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатишга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Яқинда йиғилишимизда хизматлар соҳасини, айниқса, қишлоқ жойларида тадбиркорлик фаолиятини ташқил этиш учун зарур ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришда ишбилармонларга қулай шарт-

шароитлар яратиш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасининг ижросини муҳокама қилдик. Ўрганиш чоғида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Ҳозирда вилоят иқтисодиётига тўғридан-тўғри хориқий инвестицияларни жалб этишни кўпайтириш, тайёр маҳсулотларни минтақавий экспорт қилиш ҳажмлари ва турларини кенгайтириш борасидаги ишларнинг аҳолини ўргана-япмиз. Октябрь ойида қатор туманларда Инқирозга қарши чоралар дастурининг ижросини муҳокама қилишни режалаштирганмиз.

Айни пайтда доимий комиссиянинг барча аъзолари қабул қилинган қарор ва дастурлар ижросини таъминлашда фаоллик, фидойилик билан иш юратибтир. Чунки ҳар ишга масъуллиқ, жонбозлик билан ёндашилсагина, қўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини улар яхши билишади.

П. Юлдашев, Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгашининг Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

«ЁШ ТАДБИРКОР — ЮРТГА МАДАДКОР»

Бухорода "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Микрокредитбанк" очилди. Акциядорлик тижорат банки ҳамда Савдо-сановат палатаси вилоят худудий бошқармаси ҳамкорлигида "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" талювининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини кенг йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш каби мақсадларга қўлағ қўйишда 22 нафар ишбилармон ўз бизнес лойиҳаларини билан иштирок этди. Пировардида, пешкулик Замира Рамазонава, гиждувонлик Нарғиза Қаримова, ромитанлик Элёр Шукуров, Вобкент туманида яшовчи Муродали Саидов ва жондорлик Фурқат Эргашев тақдим этган лойиҳалар голиб деб топилди, улар талювининг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга қиритишди. И. ИСТАМОВ.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Қидирув давом этмоқда

11 август куни Папуа — Янги Гвинея давлатида йўқолган самолёт парчалари топилган.



Бу ҳақда "Reuters" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Фожиа юз берган пайтда йигирма ўринга мўлжалланган "DHC-6 Twin Otter-300" русумли мазкур ҳаво кемаси бортида ўн бир йўловчи ва икки нафар экипаж аъзоси бўлган. Самолёт мамлакат пойтахти Порт-Морсбидан Кокода шаҳрига парвозни амалга ошираётган вақтда ноқулай об-ҳаво шароити боис бошқарувни йўқотган ва тоғли ҳудудга кулаб тушган.

Ҳозирча лайнер бортидаги йўловчиларнинг тақдирини ҳақиқатда маълумотлар йўқ. Қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Босқинчилик оқибати

Сомали шимол-шарқда жойлашган Пунтленд туманидаги масжидда босқинчилик амалга оширилди.

Жангарилар бу ерда одамларга қарата қуроллардан ўқ узишган. Натижада воқеа жойида олти киши ҳалок бўлган, икки киши тан жароҳати олган. Хунрезлик ким томонидан содир этилгани ҳақиқатда маълумотлар йўқ.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, мана, 18 йилдирки,

Сомалида бошқарув издан чиққан. Статистик маълумотларга қараганда, шундай мижозлар оқибатида қарийб бир миллион одам тураржойидан ажралган. Айтиб ўтиш керак, мазкур ҳудудда ҳақиқатда босқинчиликнинг ўн миллион аҳолиси инсонпарварлик ёрдами ва озиқ-овқат маҳсулотларига муҳтож.

Йўқолганлар топилди

Тайванда қузатилаётган "Моракот" тўфони боис бедарак йўқолганларни қидириш ишлари давом эттирилмоқда.

Маҳаллий оммавий ахборот воситалари томонидан маълум қилинишича, мамлакат жанубидаги тоғли ҳудудларда ҳалок бўлган, деб ҳисобланган 700 киши топилган. Уларнинг барчаси соғ-саломат экан. Айтиб ўтиш керак, мазкур тўфон Тайвань мамлакатига катта талафотларни келтириб чиқарди. Бу ерда транспорт йўллари ишдан чиққан, кўлаб бинолар ва экин майдонлари сув остида қолган.

Кутилмаган натижа


Ичимлик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи дунёнинг етакчи корхоналаридан бири — "Nestle"нинг жорий йил биринчи ярмидаги савдо ҳажми кутилганидан паст натижани ташкил этди.

Яъни, ўтган даврда компаниянинг бу борадаги ўсиш кўрсаткичи 3,5 фоизга тенг бўлган. Бу эса кутилганидан 0,4 фоизга пастдир. Олдинроқ эса "Nestle" 2009 йилда беш фоизлик ўсиш суръати қайд этили-

шини маълум қилганди. Келтирилишича, компания маҳсулотларига, АҚШ ва Фарбий Европа мамлакатларида талаб нисбатан камайиб кетган. Натижада унинг соф фойда ҳажми ҳам икки фоизга пасайган.

Икки бошли илон

"Xinhua" ахборот агентлигининг хабар беришича, Хитойнинг Цзянси музофотида икки бошли кўзойнакли илон дунёга келди.



Маълум қилинишича, ҳозир митти илоннинг аҳоли қониқарли даражада ва узунлиги 30 сантиметрга етган. Антика жонзотнинг ҳар икки бошида бир жуфтдан кўз жойлашган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай гайриоддий ҳодиса ривожланиш жараёнидаги нуқсонлар туфайли содир бўлган. Чунки фақатгина афсоналардагина шу турга мансуб икки бошли мавжудотлар ҳақиқатда маълумотлар учрайди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Молия муассасаларида

Айни пайтда жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бўлса-да, иқтисодиётимизда барқарор ўсиш суръати қузатилмоқда. Бу, авваломбор, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат амалга оширилаётгани, иқтисодиётнинг барча жаҳазларида изчил ислохотлар жорий этилаётгани ва бунинг учун мустақам ҳуқуқий пойдевор яратилганлиги самарасидир. Табиийки, мазкур жараёнда иқтисодиётнинг қон томирига менгзаладиган банклар муҳим стратегик вазифани бажаради.

Хусусан, Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига кўра, аграр соҳа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқла-

инфратузилмаси, ҳудудий филиаллар тармоғи ҳамда мижозлар базаси, банк хизмати ва маҳсулот турлари кенгайтирилди. Омонатчилар, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредиторлари манфаатини ҳимоялаш каби устувор вазифалар ҳам банк

тига кўра, омонатлар қолдиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4 миллиард сўмга ўсишига эришилди.

Тўлов пластик карталаридан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ўсди, банкоматлар



«Агробанк»: ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА КАМАРБАСТАМИЗ

рини молиявий кўлаб-қувватлаш, мамлакатда амалга оширилаётган модернизация ишларига йўналтирилаётган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, банк хизматларини янада кенгайтириш ҳамда сифатини мустақамлаш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган. Тизимда бу механизм тўла ишга тушиб кетди ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг барча турлари жадал ривожланмоқда.

Жумладан, "Агробанк" ОАТБ Хоразм вилояти бошқармаси жамоаси ҳам аниқ стратегик режа асосида фаолият юритмоқда. Банк бугунги кунда асосий эътиборни ўз капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларини молиявий кўлаб-қувватлашга, модернизациялашга йўналтирилган инвестициявий лойиҳаларни кредитлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш ҳамда соҳа корхоналарининг моддий-техник базасини мустақамлашга қаратмоқда. Шу билан бирга, банк кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштиришда, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилишга ҳаваля қилмоқда билан ривожлантиришда. Натижада ўтган давр мобайнида банк

фаолиятининг асосий йўналишларини бирга айланди. Банк капитали, 2009 йил 1 июль ҳолатига кўра, 8 млрд. 167 млн. сўмни ташкил этди ва йил бошидагига нисбатан 240 млн. сўмга ошди. Устав капитали эса ҳисобот даврида 3 млрд. 331 млн. сўмни ташкил этди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аҳолининг коммунал хизматлардан бўлган қарздорликларини камайитириш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Айниқса, истеъмолчиларнинг аризага биноан, қарзларни иш ҳақиқдан, шунингдек, пластик карта ва омонатлардаги маблағлари ҳисобидан ундириш мақсадида йўлга қўйилди. Табиийки, бу тадбир айни пайтда ўз самарасини бермоқда.

Банк бўлимлари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилган ишларда ҳам ижобий натижаларга эришилди. 2009 йил 1 июль ҳо-

ва терминаллар сони ортди, пластик карталар орқали иш ҳақларини ҳисоб-китоб қилувчи корхоналар сони 397 тага етказилди. Нақд пул билан савдо қилувчи шохбчаларга жами 670 та терминал ўрнатилди.



Ҳисобот даврида терминаллар орқали 7 млрд. 871 млн. сўмлик айланма амалга оширилди.

"Агробанк"нинг туман филиаллари томонидан жами 72822 та пластик карта тарқатилган эди. 2009 йил 1 июль ҳолатига кўра, ана шу пластик карталар ҳисоб рақамларидаги жами қолдиқ 3 млрд. 471 млн. сўмни ташкил этди.

Вилоят бошқармаси филиаллари тасарруфида жами 74 та минибанк мавжуд. Уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар бири бўйича маҳсул чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Бундан кўзланган мақсад, минибанкларда мижозлар базасини кенгайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги хўжалик юритувчи субъектларини ҳамда янгидан ташкил этилган фермер хўжаликларини банк хизматида жалб этиб, уларга сифатли банк хизматлари кўрсатишни кенгайтиришдан иборатдир.

Қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантириш, кўлаб-қувватлаш ва уларнинг техник базасини янада мустақамлаш мақсадида эса фермер хўжаликларига мунтазам банк кредитлари берилмоқда. Жумладан,

жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоят бўйича жами 92 та қишлоқ хўжалик техникаси ушбу банкнинг кредитлари эвазига харид қилинди.

Шунингдек, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларни замонавий уй жиҳозлари, мебель ва маиший техника билан таъминлаш учун жорий йилнинг шу даврида 283 нафар фуқарога 587 млн. сўмлик узоқ муддатли банк кредитлари ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий кўлаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фар-

монига асосан, 30 ёшдан ошмаган ва биринчи марта расмий ниқоҳдан ўтган ёш оилаларга имтиёзли равишда истеъмол ва микрокредитлар жорий қилинди. Ҳисоб-китобларга кўра, 329 та ёш оилага 920 млн. сўм миқдорда истеъмол кредити ажратилди. Жумладан, Боғот туманида яшовчи Азамат Ибрагимов, хонақалик Ойбек Султонов ва Урганч шаҳрида истиқомат қилувчи Улуғбек Давлетовга уй жиҳозлари ва маиший техника сотиб олишлари учун истеъмол кредитлари берилди. Улар ушбу кредит ҳисобига маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган мебель, совуққич ва телевизорлар харид қилишди. Кредит ҳисобига олинган бу маҳсулотлар замонавий кўриниши билан ёш оилаларнинг хонадонига кўрк бағишламоқда.

Вилоятда иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилаётганлиги қувонарлидир. Жумладан, "Гурлан" савдо шўъба кор-

хонасига макарон ишлаб чиқариш ускунаси учун 99,5 млн. сўм ҳамда "Турон-Замин" МЧЖга мева-сабзавотни қайта ишлаш жиҳозлари сотиб олиш учун 200 млн. сўм, "Ҳазорасп санат қорхонаси" хусусий қорхонасига сутни қайта ишлаш минитехнологияси ўрнатиш учун 30 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди. Банкнинг Янгиариқ филиалига қарашли "Янгиариқ" савдо шўъба қорхонасига эса нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 50 млн. сўм миқдорда кредит берилди. Бундан ташқари, "Ражаб Тохир" фермер хўжалигига иссиқхона ташкил қилиш учун 40 млн. сўм, "Ўзбекистон" фермер хўжалигига 50 млн. сўм миқдордаги (балиқчиликни ривожлантириш учун) кредитлар ажратилгани боис улар режалаштирган ишларини тўлиқ амалга оширдилар.

Мамлакатимизда бугунги кунда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида бу ишлар кўламини янада кўрсатишга вазифаларни бажариш асносида жорий йилнинг шу даврида иқтисодиётнинг турли тармоқларига 1 млрд. 450 млн. сўмлик банк кредитлари ажратилди. Қувонарлиси, бу кредитлар халқ фаровонлиги ва эл-юрт ободлиги учун хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, "Агробанк" ОАТБ Хоразм вилояти бошқармаси ва унинг филиаллари аҳолига банк хизмати кўрсатиш бўйича етарли тажриба тўплаган. Шу туфайли у янада раванқ топиб, фуқароларга хизмат кўрсатиш кўламини тобора кенгайтиришда. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз тараққиётга камарбаста бўлмоқда. Табиийки, бу хоразмлик банк соҳаси вакилларининг янги-янги марраларга интилаётгани, аниқ мақсад сари дадил оидимлар ташлаётганидан далолат беради.

"Агробанк" ОАТБ матбуот хизмати.

«TITAN BIZNES» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан ўзи ишлаб чиқарган

ЎҚУВ ПАРТАЛАРИНИ 60.000 СЎМДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

+ (99871) 233-06-25
+ (99898) 127-54-64

Маҳсулот сертификатланган

КРЕДИТГА ФИШТ ЗАВОДИ

Самарқанд вилояти Пахтачи туманидаги "Пахтачи сут" агрофирмаси масъулияти чекланган жамияти қошида фишт ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди.

Бунинг учун тадбиркор Ақром Тошев Хитой давлатидан 248 минг АҚШ доллари миқдордаги ускуналарни маҳаллий кредит ҳисобидан олиб келди. Қурилиш-монтаж ишлари учун ўз маблағидан 200 миллион сўм маблағ сарфлади.

Корхонага 40 нафар қишлоқ ёшлари доимий ишга жалб этилди. Ҳозир бу ерда суткасига 20 минг дондан сифатли пишик фишт ишлаб чиқарилапти.

А. САТҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ ИНТЕРНЕТ»

Ўзбекистон — Индонезия қўшма корхонаси

имтиёзли тарифлар асосида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув

ТЕЛЕФОН КАРТОЧКАЛАРИНИ тақдим этади.

Ушбу телефон карточкалари орқали дунёнинг исталган нуқтасига кўнғирок қилишингиз ва ўз яқинларингиз билан мулоқотда бўлишингиз мумкин.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув телефон карточкаларини тарқатиш учун дилерлик фаолияти билан шугулланувчи, юридик ва жисмоний шахс маконида эга бўлган тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

МАНЗИЛ ВА МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОН:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор шохқўчаси, 8-уй, (8-371) 214-63-53, e-mail: uzi.market@intel.uz

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ

- УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ
- 5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ
- ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ
- ПЗК ФИЛЬТРЛАРИ, ИЗО МУФТАЛАРИ

Маҳсулот сертификатланган.

Т.ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор маъноси, Ц. даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — "Шуқрат" дукони жойлашган чорраха.

ПП «SHIRCHIQ SHANXAY PLAST»

ПРЕДЛАГАЕТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 ММ ДО 1 200 ММ ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

Адрес: г. Чирчиқ, ул. Амира Темура, 22.
Головной офис: г. Ташкент, ул. Шайхантахур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК».
Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, 995-19-99.
www.pipeline.uz, e-mail: sedou2006@yandex.ru

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанингиз бўлиши мумкин эди!

«Халқ сўзи»даги Реклама

БИЗНЕСИНИНГIZНИ КўЛАБ-қувватлашган!

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй, 242-хона. Тел.: 233-10-60, 236-09-25, 232-10-63.

